РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 3.750.000 ТОННАДАН ОШДИ

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

КПСС XXIII СЪЕЗДИ шарафига бошланган социалистик мусобақа областимиз саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари бўйлаб кенг қанот ёзмоқда. Оддий ишчи ҳам, инженер-техник ходим ҳам партиямиз съездини муносиб совғалар билан кутиб олишга отланган. Ушбу фотолавҳаларда ана шу юксак мақсадли кишиларни кўриб турибсиз.

1. Носир Назаров кўп йиллардан бери 2-Тошкент трамвай депосида меҳнат қилиб келяпти. Вагонни авариясиз бошқаришда у корхонада рекорд қўйган. 2. Холмирза Далабоев, (чапдан) Мирза Раҳматов ва Рафаэл Ҳошимов ўртоқлар Чилонзор массиви қурилишига биринчилар қаторида келишган эди. Улар қўли билан ўнлаб кўпқаватли бинолар қад кўтарди. Бинокорлар ҳозир 11—Г секторида болалар боғчаси қурилиши билан банд. 3. Чорвоқ ГЭСи қурилишида долзарб дамлар. Бинокорлар Чирчиқ дарёсини бўғишга тайёргарлик кўришмоқда. Бунинг учун улкан тоннель қурилмоқда. Тоннель қурилишида ишлар жадал. Бошқа бинокорлар қатори С. Бенковский (чапдан) И. Сизов, С. Чевдарь ва П. Бахтин ўртоқлар ҳам шу ерда. Улар монтаж қилаётган участкаларда суръат ҳам, сифат ҳам соз.

В. Назарюк ва В. Кожевников (ЎзТАГ) фотолари.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 221 (3193). | Жума, 12 ноябрь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Ўзсантехгазмонтаж» трестининг коллективи етти йиллик топшириғини муддатидан икки ой олдин бажарди. Трест корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1958 йилдагига нисбатан қарийб 82 процент ошди. Давлат монтажчиларидан 19 миллион 440 минг сўм фойда олди.

Трест ходимлари етти йиллик мобайнида кўпгина яхши ишлар қилишди. Улар қурилган ва фойдаланишга топширилган жами саҳни 3 миллион 80 минг квадрат метр уй-жойларда барча санитария-техника ва газомонтаж ишларини бажардилар. Уларнинг ёрдами билан 352 минг квартиранинг ошхонасида газ плиталари ишга туширилди. Бу эса планда кўзда тутилганидан 11 минг квартира кўпдир. Республикада 1245 километр узунликда газ шохобчаси қурилди, 288 корхона табиий газ билан ишлашга мослаштирилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги барча катта шаҳарларга газ ўтказилди. Трест коллективи колхоз ва совхозларни газлаштириш юзасидан катта иш олиб бормоқда.

«Ўзсантехгазмонтаж» трестининг ходимлари КПССнинг XXIII съезди шарафига вахтада туриб ишлаб, мамлакатга йил охиригача яна 380 минг сўм фойда бериш, меҳнатқашларнинг 7 минг квартирасини газлаштириш, етти йиллик топшириқдан ташқари 3 миллион 200 минг сўмлик қурилиш—монтаж ишларини бажариш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети раҳбарлари, совхозлар ва колхозларда шудгорлаш ишларининг ноябрь ойи иккинчи беш кунлигидаги якунини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг қўчма Қизил байроғи ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДА (район партия комитетининг секретари ТОЙРОВ, район ижроия комитетининг раиси ЮНУСОВ, район қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи СОИБНАЗАРОВ, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси РОГАЧЕВ ўртоқлар) қолдирилди. Бу район сўнгги беш кунликда шудгорлашда 9,70 процент ўсишга эришиб, шудгор қилиш планини 43 процент бажарган.

Калинин ва Урта Чирчиқ районларидаги хўжаликларда шудгор қилиш яхши кетаётганлиги қайд қилинди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг қўчма Қизил байроғи Янгийўл районидаги «ЧИНОЗ» НАСЛЧИЛИК СОВХОЗИГА (директори АЪЗАМОВ, партия ташкилотининг секретари ҚУРБОНОВ, ишчилар комитетининг раиси ИСМОИЛОВ, бош агрономи ТРЕТЬЯКОВ, бош инженери ЮСУПОВ ўртоқлар) берилди. Бу совхоз беш кунликда шудгорлашда 19,80 процент ўсишга эришиб, шудгор қилиш планини 50,70 процент бажарган. Байроқ Оққўрғон районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан олиб берилди.

Оққўрғон районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг шудгорлашда яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг қўчма Қизил байроғи Калинин районидаги ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗГА (раиси ЖАЛИЛОВ, партия ташкилотининг секретари ЎАКИМОВ, бош агрономи ЭШОНОВ, бош инженери ЮНУСОВ ўртоқлар) берилди. Колхоз беш кунликда шудгорлаш бўйича 31,10 процент ўсишга эришиб, шудгорлаш планини 96,30 процент бажаришга муваффақ бўлган. Байроқ Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхоздан олиб берилди.

Калинин районидаги Куйбишев номли ва Урта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг шудгорлашни яхши ва сифатли ўтказаётганлиги қайд қилинди. ■

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ XXIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXIII съезди очилишига тўрт ярим ой вақт қолди. Бу катта воқеага бутун партия, бутун совет халқи актив тайёрланмоқда. Партия билан халқнинг буюк ва бузилмас бирлиги съездга тайёргарлик кунларида янги куч билан намоён бўлмоқда.

Ленин партиясининг ҳар бир съезди—партиянинг йўлидаги тарихий босқичдир. Шу съездларнинг ҳар қайсиси партиянинг ривожланишидаги, унинг революцион, ўзгартирувчи фаолиятидаги, совет жамиятининг ҳаётидаги муайян босқичларни белгилаб беради. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съездлари ҳамиша бутун дунёда ҳамманинг диққат эътиборини ўзига жалб қилади, В. И. Ленининг таъриф билан айтганда, бу съездлар халқаро коммунистик ҳаракатда ниҳоят даражада катта аҳамиятга эга бўлади.

КПССнинг навбатдаги XXIII съезди халқимизнинг коммунизм қуриш учун курашида янги босқични бошлаб беради. Бу съезд партиянинг XXII съездан кейинги даврда қилган ишларининг якунларини муҳокама қилади, мамлакатнинг бундан буёнги беш йил учун мўлжалланган ривожланиш истиқболларини кўрсатиб беради, партия ва халқнинг коммунистик қурилишдаги навбатдаги вазифаларини белгилаб беради. Партиямиз марксизм-ленинизмнинг голиб революцион таълимоти билан қуролланиб, янги тарихий тажриба билан бойиб, ўзининг қудратли ва бузилмас сафларини жипслаштириб, XXIII съезд сари бормоқда. Партия сафлари ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб жипслашган, унинг омма билан алоқалари кенгайди ва чуқурлашди. Партия совет халқига тағин ҳам кўпроқ яқин ва жонажон бўлиб қолди, унинг илмий жиҳатдан асосланган ва муайян мақсадга йўналтирилган сиёсатини мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қизғин равишда қўллаб-қувватламоқдалар.

КПССнинг XXII съездидан кейин ўтган давр ичида жуда катта воқеалар рўй берди. XX ва XXII съездларнинг қарорларида, КПСС Программасида ифодаланган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленумида ва ундан кейинги Пленумларида янада ривожлантирилган ленинча бош йўлни қатъият билан ва оғиш-май амалга ошира бориб, партия ўз фаолиятини битта мақсад сари: Ватанимизни тағин ҳам қудратлироқ қилиш ва яшнатишдан, совет кишиларининг турмушини узлуксиз яхшилашдан иборат бўлган мақсад сари йўлламоқда.

Партия активи ташқи сиёсатни оғишмай ўтказиб келмоқда. Бу ташқи сиёсатнинг моҳияти жаҳон социалистик ҳамдўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашдан, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлашдан, ер юзида тинчликни сақлаб қолишдан иборатдир. Бу ташқи сиёсат эса, ўз натижаларини бермоқда: Ватанимизнинг халқаро обрўси тағин ҳам баланд кўтарилди. Совет Иттифоқининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг жаҳон миқёсидаги позициялари мустаҳкамланди.

Партиянинг ички сиёсати унинг кун сайин олиб бораётган сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий иши, халқнинг қаҳрмонона меҳнати коммунистик қурилишнинг янгидан-янги муваффақиятлар қозонишини таъминламоқда. Социалистик давлатимиз тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, унинг иқтисоди ва мудофаа қудрати кучайди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги даражаси ошди, фан ва маданиятни ривожлантиришда жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи, СССР халқларининг қардошлиги ва дўстлиги тағин ҳам маҳкамроқ бўлиб қолди. Партия томонидан совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган омманиг коммунистик онглиги ўсиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумидан кейин партия ва халқ социалистик ишлаб чиқаришнинг самаралилигини янада оширишга, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ишини яхшилашга ўзининг бутун куч ва ғайратини сарфламоқда. Партия коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга имкон берадиган энг зарур ва туб вазифаларни ҳал қилишга ўзининг бутун эътиборини бермоқда. Бу энг зарур ва туб вазифалар КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари қарорларида, Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигиннинг шу Пленумдаги докладларида баён қилиб берилди.

Субъективчилик, волюнтаризмчилик тарзида иш кўришни партиямиз қатъий равишда қоралаб, ижтимоий ривожланишнинг барча асосий соҳаларида ленинча сиёсатни қадам-баҳадам, сира шошилмай ва пала-партишликка йўл қўймай ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мўлжалланган чоралар мустаҳкам илмий негизга қурилган, имкониятларимизни ва резервларимизни реалистик бирлаштиришга асосланган, социалистик экономиканинг қонунларини ва тенденцияларини аниқ ҳисобга олишга, ўз тажрибамизни ҳам, шунингдек социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатларнинг тажрибаларини ҳам диққат ва эътибор билан ўрганишга асосланган чоралардир. Бунда гап чуқур ва ҳамма нарсани ўз ичига олган иқтисодий ислоҳот тўғрисида, саноатга ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда оғирлик марказини иқтисодий методларга кўчириш тўғрисида, фаннинг ролини ошириш ва фан-техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тағин ҳам активроқ жорий қилиш тўғрисида бораётир.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин орадан салкам саккиз ой вақт ўтди, шу Пленум қарорларининг бажарилиш якунларини кенг миқёсда жамлашга ҳали вақт эрта. Лекин шу нарса шубҳасизки, Пленумнинг шу қарорлари қишлоқ хўжалигидаги аҳволга ўзининг яхши таъсирини ўтказганлиги, қишлоқда юксак сиёсий ғайратни ва меҳнат активлигини кучайтириб юборганлиги, колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг ўз меҳнатларининг натижаларидан манфаатдорлигини оширганлиги ҳозироқ кўриниб турибди.

Бу йилги об-ҳаво шароитлари мураккаб бўлди. Кўпгина районларда эса деҳқонлар учун жуда ноқулай аҳвол юз берди. Шундай бўлса ҳам, колхозчилар, совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳамма ишларни ҳар қачонгидан кўра яхшироқ ташкил эта олдилар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида катта натижаларга эришишга муваффақ бўлдилар.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар КПССнинг XXIII съездига тайёрланиб, қишлоқ хўжалик йилининг якунларини, Марказий Комитет март Пленумининг қарорларини қандай бажарилаётганлигини батафсил муҳокама қилмоқдалар. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетларида, область ва ўлка партия комитетлари, партия ташкилотлари илғор, фойдали ишларининг ҳаммасини умумлаштиришлари, камчиликларни ва бу камчиликларнинг сабабларини очиб ташлашлари, қишлоқ меҳнаткашларининг куч ва ғайратларини деҳқончилик маданиятини янада юксалтиришга ҳамда колхозлар ва совхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга йўллашлари муҳим ишдир.

Саноат социалистик экономиканинг, халқ фаровонлигини ўстиришнинг ва мамлакатимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида бутун мамлакатда планли иш авж олдириб юборилган бир вазиятда бизнинг партиямиз ўзининг XXIII съезди сари бормоқда. Бу қарорларни бутун партия, бутун совет халқи яқдиллик билан маъқуллаб кутиб олди. Уларнинг моҳияти шундаки, бу қарорлар экономикага раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда, давлат томонидан ягона асосда планлаштиришни корхоналарнинг тўла равишда хўжалик ҳисоби асосида ишлаши билан, тармоқларни марказлаштирилган ҳолда бошқариш ни республикаларнинг ва маҳаллий ташкилотларнинг кенг ташаббуси билан, яккабошчилик принципини ишлаб чиқариш коллективларининг ролини ошириш билан қўшиб олиб боришни таъминлайди.

Хўжаликни бошқаришнинг бундай системаси ҳозирги замон талабларига тағин ҳам кўпроқ мос бўлиб тушади, социалистик тузум имкониятларидан яхшироқ фойдаланишга имкон беради, социализм иқтисодий қонунларининг амал қилишига кенг йўл очиб беради, техника тараққиёти суръатларини тезлаштиради. Хар бир корхонанинг фаолиятига шу имкониятларнинг ижтимоий бойликкка қўшган конкрет ҳиссасига қараб баҳо берилади. Иқтисодий воситаларнинг роли кескин равишда кучайтирилади.

Саноатнинг муайян тармоқларини бошқарадиган министрликлар тузилди ва ишга тушди. Москва, Ленинграддаги, Украина, Уралдаги ва мамлакатнинг бошқа районларидаги кўпгина корхоналар 1966 йилнинг 1 январидан бошлаб янгича ишлаш системасига ўтадилар, саноатнинг айрим тармоқлари бу системага астасекин, 1966 йил ичида ўтадилар, бутун саноатни эса, янги системага тўла равишда ҳамма жойда ўтказиш 1967—1968 йилларда тугалланади. Хўжаликни қайта қуришга раҳбарлик қилиш шаҳар, область ва ўлка партия ва совет органларига юклатилди. Шу билан бирга, бу ишда касаба союз ва комсомол ташкилотлари, партия-давлат контроли системаси актив қатнашишлари ва бу иш устидан жамоат контроллигини амалга оширишлари лозим. Бу ишга раҳбарлик қилиш ва уни контрол қилишдаги асосий вазифа шуки, бирлашмалар ва корхоналарнинг хўжалик ишидаги оқилона ташаббусини бутун чоралар билан рағбатлантириб туриш, фойдали тажрибани диққат билан ўрганиб бориш, анализ қилиш ва ёйиш, ҳар бир конкрет ҳолда етилган проблемаларни тўғри ҳал қилиб бериш, йўл қўйилган хатоларни топиш ва йўқотиш, қийинчиликларни зўр бериб енгиш керак.

Етти йиллик планни бажариш тугалланмоқда. Ҳақиқатда эса, бизнинг индустриямиз етти йил ликда мўлжалланган энг муҳим кўрсаткичлардан 1 ноябрдаёқ ўзиб кетди. Ҳозир янги беш йиллик планни тузиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишда планлаштирувчи органлар ва министрликлар билан бир қаторда партия, совет, касаба союз ташкилотлари, корхоналарнинг ва илмий муассасаларнинг коллективлари актив қатнашмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси план топшириқларида социализм иқтисодий қонунларининг талабларини яхшироқ ҳисобга олишга, саноат тармоқлари ўртасидаги, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаб олишга, маҳаллий тажрибалардан ва оммаининг ижодий ташаббуси очиб бераётган қўшимча резервлардан тўлиқроқ фойдаланишга имкон беради.

(Давоми иккинчи бетда).

ШУДГОР—МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БАРЧА МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА ВА КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИГА

М А К Т У Б И

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан руҳланган Урта Чирчиқ районининг механизаторлари қишлоқ хўжалиги йилини муваффақиятли якунламоқдалар. Район пахтакорлари давлат планини ва ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Она-Ватан ўртачирчиқликларнинг 57 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин»ини қабул қилиб олди.

Бу ютуқда тажрибали механизаторлар бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган звеноларнинг ҳиссаси каттадир. Бу йил машина терминнинг қўлами анча кенгайтирилди. Район далаларида 600 га яқин «зангори кема» ишлади. Улар билан ялпи ҳосилнинг қарийб ярми йиғиб-териб олинди.

Яқинда биз — ҳайдов тракторларининг механизаторлари район кенгашига йиғилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштиришда ва йиғим-терим ишларини қисқа муддатда тугаллашда бизнинг ҳам катта улушимиз борлигини зўр қониқиш билан таъкидладик. Биз шуни яхши биламизки, партиямизнинг пахтачиликни ривожлантиришдаги бош йўли комплекс механизациялашдир. Ана шунинг учун биз бундан буён ҳам юксак унум билан меҳнат қиламиз, Совет давлати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига етказиб бераётган машина ва техникадан янада яхшироқ фойдаланамиз.

Пахта йиғим-терими тугалланаётган ҳозирги кунлардан бошлабоқ келгуси йилнинг — янги беш йиллик биринчи йилининг ҳосили тўғрисида ўйламоқ керак.

Экин майдонларини эрта муддатда сифатли шудгорлаш — мўл ҳосилга замин яратишда энг муҳим агротехника тадбирларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ана шуни назарда тутиб, биз ўз кенгашимизда бу ишни қандай ташкил этиш тўғрисидаги масалани батафсил муҳокама қилдик. Ҳамма ерда ишни конвейер усулида ташкил этишга қарор қилинди. Ҳар бир пайкалдаги ҳосил сўнгги граммигача йиғиб-териб олингач, ер ҳайдашга киришилади.

Барча колхоз ва совхозларда ерга шудгордан олдин керакли миқдорда суперфосфат ва калий ўғитлари солиш ташкил этилди. Камқувват ерларга қўшимча равишда гўнг, компост ва бошқа органик ўғитлар солиняпти.

Биз ўз ишимизни шундай ташкил қилдикки, ҳамма тракторлар икки сменада ишляпти. Ҳаммамиз сидқидилдан ишлашга, ерни камида 30 сантиметр чуқурликда шудгорлашга аҳд қилдик.

Ҳайдаладиган гектарларнинг сонини кўпайтиришга ошиқмаслик, аксинча ишнинг сифатли чиқишига эришиш мақсадида ер ҳайдаш ишларига аниқ ҳақ тўлашга қарор қилинди. Бунда ҳар бир картани шудгорлаш учун қанча ҳақ тўланиши ва ҳар бир пайкал қачон ҳайдаб бўлиниши олдиндан белгилаб қўйилади. Тракторчи ва прицепчиларга тўланадиган пулнинг 50 проценти аванс тариқасида берилади, қолган қисми эса иш тугагач, уни комиссия қабул қилиб олгач, шудгорлашнинг сифатига қараб берилади.

Колхозларнинг правлениелари ва совхозларнинг раҳбарлари шудгорлашни эрта муддатда ва сифатли ўтказиш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, ер ҳайдашни ноябрь ойи ичида тугаллаган кишиларга ишбай ҳақининг 30 процентигача бўлган миқдорда қўшимча ҳақ беришни кўзда тутмоқдалар.

Келгуси йилнинг мўл ҳосилига пухта замин яратувчилар бўлган биз тракторчиларга катта ишонч билдирилаяпти. Бу ишонч бизни янада яхшироқ ва унумлироқ меҳнат қилишга чорламоқда.

Биз ер ҳайдаш ишларини район бўйича ноябрь ойи ичида батамом тугаллаш учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга солиб меҳнат қилишга бел боғладик. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бизга барча зарур шарт-шароитларни яратиб беришмоқда. Хўжалик ҳисобидан ҳар биримизга махсус кийимлар: қулоқчин, фуфайка, иссиқ шимлар, этик ва қўлқоплар берилаяпти. Ҳар бир колхоз ва совхозда бизлар учун яхши жиҳозланган иссиқ ётоқхоналар ташкил этилмоқда. Бу ерда биз кундузги ёки тунги сменадан кейин маданий дам оламиз. Бундан ташқари ер ҳайдаш ишлари билан банд бўлган тракторчи ва прицепчилар учун бевосита даланинг ўзида ҳар куни уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилмоқда. Колхозларнинг правлениелари ва совхозларнинг мамлаурий ходимлари оилаларимизни бутун қишга етадиган озиқ-овқатлар ва ёқилғилар билан таъминлашда бизларга яқиндан ёрдам берапптилар.

Ҳамма хўжаликларда тракторларнинг ёнилғи ва мойларини далага ўз вақтида етказиб бериш ташкил этилган, ҳайдов агрегатларини даланинг ўзида ремонт қилиб берадиган кўчма автоустахоналар етарли миқдорда тайёрланган. Бундай қулай шароитларнинг ҳаммаси бизга юқори унум билан сифатли ишлашга тўла имкон бермоқда.

Шу билан бир қаторда биз ҳамма ҳайдов тракторларининг тракторчиларига ва областнинг бошқа механизаторларига мурожаат қилиб шуни айтмоқчимизки, ўзимизга топширилган ишга нисбатан чуқур масъулият ҳис этайлик, ҳар бир соатнинг қадрига етайлик, техниканинг кучидан унумли фойдаланайлик, ер ҳайдашни юксак агротехника талаблари даражасида ўтказайлик.

Биз областдаги барча колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини ер ҳайдаш ишлари билан шуғулланаётган механизаторларга ишни юқори сифатли ўтказиш учун зарур шароитлар яратиб беришга чақирамиз.

Механизатор ўртоқлар! Бизнинг районимиз пахта тайёрлаш йиллиги планини 1964 йилда 44 иш кунида бажарган бўлса, бу йил 31 иш кунида бажарди. Районда ҳозирданоқ 1966 йилда давлатга пахта сотиш планини 25-30 иш кунида бажариш вазифаси қўйилмоқда. Бу вазифанинг бажарилиши биринчи навбатда бизнинг шудгорлашдаги муваффақиятли ишларимизга боғлиқдир.

Биз областдаги барча колхоз-совхозларнинг механизатор ва меҳнаткашларига мурожаат қилиб шуни айтамизки, кузги-қишки дала ишларини ўз вақтида юқори сифатли қилиб ўтказиш ва шу билан Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилайлик.

(МАКТУБ УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЧИЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ДОҒИСТОН АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалигини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун Доғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1965 йил 9 ноябрь.

УЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

«ПАХТА БАЙРАМИ» ҲАҚИДА

Узбекистон КП Марказий Комитети 1965 йил 27 — 28 ноябрда пахтачорлар байрами — «Пахта байрами»ни ўтказишга қарор қилди ва бундан кейин бу байрамни ҳар йили ноябрь ойининг сўнгги якшанбасида ўтказишни белгилади.

«Пахта байрами» кунларида колхоз ва совхозларда колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг тантанали йиғилишларини ўтказиш ва унда қишлоқ хўжалигига якун ясаш, бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертларини ташкил этиш, кинофильмлар кўрсатиш ва спорт мусобақаларни ўтказиш назарда тутилади.

«Пахта байрами»га тайёргарлик кўришни қишлоқ меҳнаткашларининг пахта ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллаш, ерни шудгорлаш, барча кузги-қишки ишларни амалга ошириш ва чорва моллар қишловига намунали тайёргарлик кўриш соҳасидаги меҳнат антиалигини сусайтирмаган ҳолда олиб бориш зарур.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва «Пахта байрами»ни республиканинг барча районлари, колхоз ва совхозларида уюшқонлик билан ўтказишни таъминлаш топширилди.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ XXIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

(Боши биринчи бетда).

Галдаги беш йилликда партия мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, шу асосда халқнинг турмуш даражасини ошириш вазифасини қўймоқда. Оғир индустрияни, биринчи навбатда, унинг энергетика, металлургия, химия ва ёқилғи саноати, машинасозлик ва асбобсозлик сингари энг муҳим тармоқларини тағин ҳам кўпроқ ривожлантиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни батамом тугатиш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг ривожланишини жадаллаштириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий даромадни анча кўпайтириш мамлакатнинг мудофаа қувватини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш зарур.

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа кенг, чинакам умумхалқ мусобақасига айланди. Партия ва давлатнинг сарфлаётган куч ва ғайрати халқ ташаббуси билан узвий равишда қўшилиб бораётганлиги мана шу мусобақада айниқса яққол ва зўр куч билан намоён бўлмоқда. Мусобақанинг миллион-миллион қатнашчилари партиянинг бўлажак съездини план топшириқларини муддатидан олдин бажариш, тағин ҳам мукаммалроқ буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, билан нишонлашга интилмоқдалар. Мусобақа давомида корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг янгидан-янги резервлари топилмоқда ва ишга солинмоқда. Мусобақа қатнашчилари иқтисодий кўрсаткичларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларидан келиб чиқаётган идеялар съезд шарафига бўлаётган социалистик мусобақанинг асосий мазмуни бўлиб қолди.

Партиянинг ҳозирги вақтда қилаётган ҳамма иши каби съездга тайёргарлик ҳам етилган проблемаларни ишчанлик руҳида, ижодий ҳал қилиш негизида авж олдирилмоқда. Коммунистларнинг ўн икки миллионли армияси ҳамма ишларни зўр активлик ва жонқуярлик билан бажармоқда. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида ва ундан кейинги Пленумларда қабул қилинган қарорларнинг партия ташкилотлари фаолиятига самарали таъсир ўтказаётганлигининг энг муҳим натижаларидан бири ҳам мана шудир.

Партиямиз партия турмушининг ленинча нормаларига, коллектив раҳбарлик принципига қаттиқ риоя қилишишига эришмоқда, партия ички демократиясини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантирмоқда, буни партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг активлигини ва жанговар қобилиятини янада оширишнинг, ҳа сафларида уюшқоқликни ва интизомни мустаҳкамлашнинг шарти деб билмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси кейинги вақтларда бошланғич партия ташкилотларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида, партия активларининг йиғилишларида ва партия комитетларининг пленумларида ёрқин ва яқол намоён бўлди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш тўғрисида астойдил жон куйдириш, юксак талабчанлик, коммунистларнинг ўз корхоналари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар иши учун шахсан масъулияти ошганлиги шу йиғилишларда яққол ифодаланди.

Район, шаҳар ва округ партия конференциялари бошланмоқда. Бу конференциялар съездга тайёргарликнинг таркибий қисмидир. Шу конференциялар кетидан область ва ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар компартияларининг съездлари ўтказилади. Марказий Комитет март ва сентябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошириш йўлида қилинадиган амалий ишларга доир масалалар мазкур конференциялар ва съездларнинг диққат марказида туради. Хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликни яхшиламоқ учун конкрет равишда нималар қилинганлигини ва қилинаётганлигини шу конференциялар ва съездлар чуқур ва ҳар томонлама анализ қилишлари, тўпланган тажрибани умумлаштириб беришлари, ташкилий-партиявий ишларни ва идеология ишларини, раҳбарликнинг услуби ва методларини такомиллаштиришнинг амалий чораларини белгилаб беришлари лозим. Энг муҳими шуки, бу масалалар ишчанлик руҳида, дабдабасиз ва шовқин-суронсиз муҳокама қилиниши,. эришилган муваффақиятларга кибрланмай ва мақтанчоқлик қилмай танқидий баҳо берилиши, хато ва камчиликлар дадиллик билан очиб ташланиши, келажакка мўлжалланган вазифалар аниқ ва конкрет белгиланиши лозим.

Раҳбарлик услубини ленинча принциплар асосида такомиллаштириш партия ташкилотлари ва комитетларидан уларнинг хўжалик раҳбарлари бажариши лозим бўлган ишларни ўз зиммаларига ола бермасликларини, ўзларининг асосий эътиборларини ташкилотчилик ишига, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини контрол қилиб туришга қаратишларини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришларини талаб этади. Идеология ишларининг, кадрларни марксизм-ленинизм назарияси билан, иқтисодий билимлар билан қуроллантиришнинг аҳамияти бениҳоя ошиб бормоқда.

Янги шароитда бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъуляти айниқса ошмоқда. Халқ хўжалик планларининг тақдири бошланғич партия ташкилотлари ишининг даражасига, барча коммунистларнинг активлигига ва ташаббусига, уларнинг шахсий намуна кўрсатишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия ташкилотлари ўзларининг бутун ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлари билан меҳнаткашлар кенг оммасини ишлаб чиқаришга бошқаришга тортишга кўмаклашишлари, меҳнаткашларнинг активлигини ва ташаббускорлигини ривожлантиришлари лозим.

КПСС XXIII съездига тайёргарлик—бутун партиянинг барча коммунистларнинг ишидир. В. И. Ленин партия IX съезди арафасида партия ташкилотларига мурожаат қилиб, бундай деб ёзган эди: «Олга бориш керак, олга қараш керак, хўжалик қурилиши соҳасида эришилган, пухта ўйлаб ва диққат эътибор билан, барча партия аъзоларининг ялпи меҳнати, ялпи куч-ғайрати билан **қайта ишлаб чиқилган амалий тажрибани** съездга олиб келиш керак». СССРда хўжалик қурилиши масалалари жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб қолган ҳозирги вақтда бу кўрсатма алоҳида куч билан янграмоқда. Партия ва халқ мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашни ўзининг олий интернационал бурчи, деб билмоқда.

Съездга тайёргарлик кўрилаётган маҳалда, партия ташкилотлари, шунингдек Советлар,. касаба союзлар, комсомол, интеллигенция ижодий ташкилотлари турмушининг ва фаолиятининг ҳамма томонлари тағин ҳам кўпроқ активлашмоқда. Халқ оммасининг яратувчилик фаолияти тағин ҳам кенг авж олиб кетади. Идеология ишининг ҳамма воситалари, шу жумладан оғзаки ва босма пропаганда, газеталаримиз, журналларимиз, радио, телевидение мана шу мақсадга хизмат қилиши лозим.

Совет халқининг жанговар, синалган авангарди бўлган КПСС ғайрат ва ижодий кучга тўлиб тошган ҳолда, ўз мақсадларини ва шу мақсадларга эришиш йўлларини равшан кўриб туриб, ўзининг XXIII съезди сари бормоқда. Партия сиёсатини марксизм-ленинизм назариясининг нури ёритиб турибди, бу сиёсат халқнинг туб манфаатларини ифодаламоқда. Партиянинг ленинча йўлини Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватламоқдалар. Планларимизнинг ҳаётийлигини ва реаллигини таъминловчи гарантия мана шу, коммунизм қуришда совет халқи эришаётган янги муваффақиятларнинг гарови мана шу.

(«ПРАВДА»нинг 1965 йил 11 ноябрдаги бош мақоласи).

ЛОЙИҲА ВА ҚУРИЛИШ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

□ □

Қурилиш лойиҳадан бошланади. Лойиҳа ҳужжатлари қанчалик пишиқ ва пухта бўлса бинолар шунча кўркам ва сифатли чиқаверади. Республикамиз шаҳар ва районлари ишчи посёлкаларидаги барча хил бинолар институтимиз инженерлари, архитекторлари томонидан лойиҳаланмоқда. Зиммамизга шундай вазифа юклатилган. Айниқса КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларидан сўнг ишимиз яна ҳам кўпайди. Маданий-маиший бинолар, йирик турар-жой объектларини газ ва буғ билан таъминлаш, йирик аҳоли пунктларни ва шаҳарларга электр линиялари тортиш, водопровод ва канализация системалари ўтказиш лойиҳалари схемалари ҳозир институтимиз коллективи томонидан ишлаб чиқилаётир.

«Узгоспроект» институтида шаҳарлар бош планини тузиш иши билан шаҳар қурилиш ва районлар лойиҳаси бўлими шуғулланади. Айрим районларни планлаштириш, шаҳар ташқарисидаги саноат узеллари, шаҳар марказлари, йирик микрорайон ва аҳоли посёлкалари биноларини лойиҳалаш ҳам шу бўлим зиммасида. Шаҳарларни лойиҳалашда биз асосий диққат ва эътиборни шу объектнинг иқтисодий истиқболи, ерининг геометрик тузилиши, қандай турдаги транспорт қатнаши ва бошқа томоналарга қаратамиз. Бўлимнинг экономист, инженер ва архитекторлардан иборат катта группаси. район саноат узеллари ва шаҳар ташқариси зонаси лойиҳаларининг иқтисодий анализи билан шуғулланмоқдалар.

Бу йил институтимиз Гулистон, Қарши ва Ургенч шаҳарларининг бош планини тузиб чиқди ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тасдигига тақдим этди. Нукус, Чирчиқ, Олмалиқ—Оҳангарон, Янгийўл ва Хева шаҳарлари бош лойиҳаси тугалланиш арафасида турибди. 1965—1966—1967 йиллар давомида ўнта район марказлари ва 18 та бош план тузилиши мўлжалланган.

Етти йилликнинг сўнгги йилида Фарғона—Марғилон табиий иқтисодий саноат райони лойиҳаси тузиб бўлинади. Бу иш билан архитектор А. Зотов бошлиқ устахона коллективи шуғулланаётир. Бошқа тўғри бўлим эса маданий-маиший ва маъмурий бинолар лойиҳаси тузиш билан банд. Улар илғарилари ажойиб бинолар лойиҳасини тузиб ном чиқаришган. Санъат саройи, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг маъмурий биноси, Самарқанд музикали драма театри ва Дўрмон қишлоғидаги «Интурист» меҳмонхонаси лойиҳалари ана шулар қўлидан чиққан. Ортгирилган катта тажриба асосида эндиликда яна ажойиб лойиҳалар яратмоқдалар.

Бу йилги энг катта ижодий ишлардан бири Андижон шаҳрида қад кўтарадиган 750 ўринли клиник-касалхона лойиҳасини чизишдир. Осма панелли каркаслардан қад кўтарадиган бу касалхона Совет Иттифоқида биринчи ҳисобланади. Унинг ускуналари замонавий бўлади. Беморлар учун барча хил қулайликлар яратиб қўйилади. Дастлабки ишларимиз Андижон медицина институти илмий-клиник шартларига тўла мос тушмоқда. Бу коллектив шу кунларда яна бир катта иш билан банд. Улар Самарқандда ҳам қуриладиган шундай типли касалхона лойиҳаси устида бош қотирмоқдалар.

Ҳозир лойиҳалаш ишларининг концентрлаштирилаётганлиги ишимизда катта силжиш ясамоқда. Пойтахтимиздаги барча хил қурилиш ишларини лойиҳалаш фақат «Ташгипрогор» институти коллективи зиммасига юклатилган. Институтимиз айрим, ғоятда мураккаб бўлган объектлар лойиҳаси билангина шуғулланмоқда. Ҳозирги кунда Е. Патлис бошлиқ устахона коллективи ва бош архитектор Р. Близа бошлиқ ижодкорлар «Ёшлар уйи» биноси лойиҳаси билан банд. Бу бино ўн қаватли бўлади. 1966 йилда Санъат саройи рўпарасида қад кўтаради.

Е. Дурановская бошлиқ устахона лойиҳачилари эса халқ хўжалиги институти учун пойтахтимизнинг Чилонзор районида қад кўтарадиган ўқув корпуслари комплекси, ётоқхона, спорт иншоотлари лойиҳаларини тузмоқдалар. Лойиҳада кондиционерлар, газ ва электр таъминоти, техник водопровод автоматикаси — ҳамма-ҳаммаси хисобга олинган.

Бажараётган ишларимиз биргина шулар эмас. Ҳозир гўзал Тошкентимиз ёнгинасида улкан Олимпиада шаҳарчаси бунёд этилаётир. Бу қурилиш Улуг Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йилигигача тугалланади, улкан спорт иншоотлари ёшлар ихтиёрига топшириб қўйилади. Мана шу шаҳарча лойиҳаси ҳам институтимиз коллективи қўлидан — Ф. Цицина раҳбарлик қилаётган устахона ижодкорлари изланиши билан яратилган.

Олимпиада шаҳарчаси лойиҳаси ғоятда пишиқ-пухта чизилган. Бинокорлар уни ҳўлга олдилар-у, ишга киришиб кетдилар. Ҳозирги кунда бош спорт корпуси, учта спорт майдони ва бошқа муҳим участкалар чертёжи бинокорлар қўлига топширилган. Улар шу лойиҳа асосида қурилиш ишларини бошлаб суръатга-суръат қўшмоқдалар. Лойиҳа пишиқ бўлса бинокорлар ҳам қийналишмайди-да.

Бажарилган ишлар анчагина. Аммо бажарилиши лозим бўлган юмушлар бундан ҳам кўп. Ҳозир бир йўла 15 та саноат ва қишлоқ хўжалиги техникуми лойиҳаси чизилаётир. Улар республикамизнинг деярли барча йирик шаҳарларида қад кўтаради. Оҳангарон сув омбори, Бекобод ГРЭСи бинокорлари учун уй-жойлар лойиҳасини тузиш, Қарши, Термиз, Бухоро ва Когон шаҳарларида пайдо бўладиган янги турар-жой массивлари лойиҳаларини яратиш ҳам бизнинг зиммамизга юклатилган. 1966 йилда 1 миллион 600 минг сўмлик лойиҳалашқидирув ишларини бажаришимиз керак. Бу 1965 йилдагига нисбатан анча кўпдир. Биз ўз ички имкониятларимизни тўла ишга солаётмиз, резервларни қидириб топаётмиз. Буни ўтган ойлар давомида эришган ютуқларимиз ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коллективимиз етти йилликнинг сўнгги йилини меҳнатда улкан ғалабаларни қўлга киритган ҳолда якунлаяпти. Бундан буён ҳам шу йўлдан бораверамиз. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини тўла-тўкис амалга оширишга ўз муносиб ҳиссамизни қўшамиз ва меҳнат ғалабалари билан партиямизнинг навбатдаги XXIII съездини кутиб оламиз.

И. ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Давлат лойиҳалаш институтининг директори.

Абдуфаттоҳ Шукуровни корхонада ҳамма танийди. У Ўзбекистон трактор-йиғув заводида термист бўлиб меҳнат қилаяпти. Пешқадам ишчи Абдуфаттоҳ ҳозир коммунистик меҳнат зарбдоридир. Яқинда у ўз зиммасидаги йиллик топшириқни муддатидан олдин шараф билан адо этди. Шу кунларда 1966 йил ҳисобига меҳнат қилаётир. Суратда: ўртоқ А. Шукуров.

В. Сироткин фотоси.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ВА МАКТАБ

Бола тарбиясида оила ва жамоатчилик ролига бағишланиб ўтказилган биринчи шаҳар съезди пойтахтимиз жамоатчилиги ҳаётида катта воқеа бўлди. Том маъносн билан педагоглар ва ота-оналарнинг катта анжумани ҳисобланган бу съезд ёш авлодни замонамиз учун муносиб кишилар қилиб тарбиялаш бўйича қатор тадбирлар белгиладн. Ҳозир жойларда съезд кўрсатмалари асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар маданият бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари съезд кўрсатмалари асосида талайгина қизиқарли тадбирларни амалга оширишни планлаштириб қўйдилар.

— Бола тарбияси шу кунинг муҳим вазифаларидан биридир,— дейди шаҳар маданият бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Раҳматуллаев.— Шаҳар маданият ходимлари район халқ маорифи бўлимлари билан ҳамкорликда бир неча ишларни амалга оширади. Шу йилнинг декабрь ойида пойтахтимиздаги пионер уйлари ва саройларида, район маданият уйларида бадиий ҳаваскорларнинг кўриги ўтказилади. Кейинчалик бундай кўрик шаҳар ва республика бўйича ҳам бўлади.

Ёшларни эстетик тарбиялаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз мактабларда эстетик тарбидга алоҳида аҳамият беришимиз керак. Шунинг учун ҳам маданият уйлари ўз оталиғидаги мактабларга бориб, ўқувчилар билан яқиндан иш олиб борадилар. Маданият ходимларининг кучи билан мактабларда адабий ва тематик кечалар уюштрилади. Шунингдек, ҳаваскор ўқувчилар иштирокида концерт программалари тайёрланади. Бундан ташқари пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига, музейларга экскурсиялар ўтказилади.

Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи ёшларнинг эстетик тарбиясига катта аҳамият бериб келмоқда. Шу кунларда бу маданият ўчогида болалар ашула ва рақс ансамблини ташкил этиш тараддуди кўрилмоқда. Шунингдек, пойтахтнинг Ленин, Фрунзе, Чилонзор ва Куйбишев районлари маданият уйларида болалар хори иш бошлайди.

Фрунзе, Куйбишев ва Ленин районлари маданият уйлари ходимлари ҳар бир маданият уйида болалар балет студияси бўлиши тўғрисида таклиф киритдилар. Бу таклиф маъқулланди. Ҳозир ана шундай студиялар ташкил этиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Пойтахтдаги маданият уйлари ҳузурида ёш фотоҳаваскорлар тўгараклари ташкил этилган эди. Бироқ, улар кейинги пайтда ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди. Бу тўгараклар яна қайта тикланади ва уларнинг иши яхши йўлга қўйилади. Ҳамид Олимжон ҳамда Абдулла Қодирий номидаги район маданият уйлари ҳузурида ҳам ёш фотоҳаваскорлар тўгараги ишлайди.

Ота-оналарнинг бола тарбиясидаги ролини ошириш ва улар ўртасида илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида жойларда бир нечта халқ университетлари очилади. Шаҳар маданият халқ университетида ота-оналар факультети тузишга қарор қилинди. Шунингдек, маҳаллаларда доимий лекторийлар ишлаб туради.

Халқ филармониялари фаолиятлари ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Уч йиллик ўқув программасига эга бўлган халқ консерваториясини очиш ъузда тутилган. Бошланғич мактабларда нота саводи ўрганиш йўлга қўйилади. Шаҳар кутубхоналарида ҳар ойда бир марта ёзувчилар, шоирлар ва донгдор кишилар билан учрашув кечалари ўтказиб туришга қарор қилинди. Гагарин номли, Гайдар номли, Маяковский номли кутубхоналарда ота-оналар лекторийлари иш бошлайди.

Белгиланган бу тадбирларни амалга оширишда маданият ходимларига пойтахт жамоатчилиги яқиндан ёрдам бермоқда. Бу ишда жамоатчи ота-оналарнинг ҳам иштироки катта бўляпти.

А. АЛИЕВ.

НУРОТА ЧОРВАДОРЛАРИ ТАШАББУСИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нурота райони чорвадорларининг КПСС XXIII съезди шарафига соцналистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, чорва молларнинг тўқ ва иссиқ қишловини таъминлаш, моллар туёғини тўла сақлаб қолиш, подаларни тўлдириш, 1966 йилда моллар маҳсулдорлигини ошириш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига Нурота райони чорвадорлари ташаббусига қўшилиб, чорва моллар қишловини муваффақиятли ўтказиш, подаларни тўлдиришда юксак кўрсаткичларга эришиш, 1966 йилда чорва моллар маҳсулдорлигини янада ошириш мақсадида чорвадорлар ўртасида соцналистик мусобақани кенг авж олдириб юбориш, қабул қилинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашда хўжаликларга зарур ёрдам кўрсатиш топширилди.

Республика, область ва район газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетига чорвадорлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа натижаларини системали равишда ёритиб бориш топширилди.

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА НАМУНАЛИ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ, 1966 ЙИЛДА МОЛЛАР ТУЁҒИНИ ҲАМДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ КЎП АЙТИРИШ ЮЗАСИДАН НУРОТА РАЙОНИ СОВХОЗЛАРИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

● ● ● ●

Биз, Нурота райони совхозларининг ишчилари, мутахассислари ҳамда барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми тарихий қарорларини турмушга татбиқ этиш учун курашиб, етти йилликнинг ҳал қилувчи босқичида моллар туёғини ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида бирмунча муваффақиятларни қўлга киритдик. Район хўжаликлари давлатга гўшт, сут, жун, тухум ҳамда қорақўл тери топшириш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар.

Район чорвадорлари моллар туёғини кўпайтириш соҳасида яхши натижаларга эришдилар. Район бўйича ҳар 100 совлиқдан мажбуриятда кўзда тутилган 120 ўрнига ўрта ҳисобда 137,7 тадан қўзи олинди. Насл учун қўзи қолдириш топшириғи ҳам ошиғи билан адо этилди.

Совхоз ишлаб чиқаришининг илғор кишилари, донгдор чорвадорлар урчитиш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказдилар, чорва моллар қишловини яхши таъминлаб, катта муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Ленин номли совхоз меҳнаткашлари 1965 йилда ҳар 100 совлиқдан 145,9 тадан қўзи олдилар, моллар туёғини тўла сақлаб қолдилар. Ғозғонликлар ҳар 100 совлиқ ҳисобига 145,8 тадан, «Нурота» совхози чорвадорлари эса — 140,7 тадан соғлом қўзи олдилар.

«Ғозғон» совхозининг Охунбобоев номли бўлими чўпонлари ҳар 100 совлиқдан 158,8 тадан қўзи олинишига эришдилар. Ленин номли совхознинг тўртинчи, «Нурота» совхозининг учинчи бўлимлари ҳам совлиқлардан қўзи олишда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Район чорвадорлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада 1-«Қўшробот» совхозининг таниқли чўпони Мамадиёр Шосимов биринчиликни эгаллади. У ҳар 100 совлиқдан 202 тадан қўзи олди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Авалбек Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турсуной Авезова, Норбой Эргашев, Чўли Хўжақулов, Ортиқ Дўстматов, Жарлақаб Омонов ва бошқа чўпонлар юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Қўлга киритилган муваффақиятлар район чорвадорларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, маҳсулот таннархини тағин ҳам камайтириш учун курашни кучайтиришга сафарбар этмоқда.

Биз Нурота районининг меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, 1966 йил учун қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

Чорва молларнинг тўқ ва иссиқ қишловини таъминлаймиз, маҳсулдорликнинг камайишига ва молларнинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз.

Райондаги барча хўжаликларда молларни қиш шароитида асраш учун ҳар томонлама намунали тайёргарлик кўрилди. Йилнинг қуруқ келишига қарамасдан, район чорвадорлари пландаги 40750 ўрнига 41021 тонна хашак жамғардилар. Бундан ташқари ўтган йилдан қолган 21000 тонна хашак турибди. Қўйларга хашак майдаланиб, тайёрлаб берилади. Барча чорвачилик бинолари ўз вақтида ремонтдан чиқарилди.

Қўйларни қиш-қировли кунлар олдидан ҳайдаб боқиш ва қиш шароитида ҳам яйловларда боқишга алоҳида эътибор берилади. Об-ҳаво шароитига қараб, яйловлар танланади ва улардан фойдаланилади. Қўйлар қишда фақат қудуқ сувларидан суғориб турилади.

Қиш даврида, ҳар ўн кунда чорва моллар аҳволини кузатиб борамиз, орик ҳамда касалланган қўйларни алоҳида отарларга ажратиб боқамиз. Бундай қўйларни парвариш қилиш тажрибали чўпонларга топширилади.

Ҳамма бригадаларда ем-хашакдан фойдаланиш юзасидан қаттиқ контроль ўрнатилади. Чорва молларга дағал хашак ва концентрат озуқа қатъий рацион асосида берилади. Биостимуляторлар ва антибиотиклардан кенг фойдаланилади.

Чўпонлар ҳақида ғамхўрлик, уларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиб бериш совхоз раҳбарлари, партия ташкилотларининг диққат марказида бўлади.

Чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш — маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун курашнинг асосий шарти ҳисобланади. Шунга кўра, топширикларни ошириб бажарган ва сифатли маҳсулот топширган кишилар меҳнатига қўшимча ҳақ тўлашни кенг амалга оширамиз.

Район чорвадорлари оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни кенг механизациялаштирадилар, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, хўжаликларнинг рентабеллигини ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ҳаётга татбиқ этадилар.

Чорвадорларимизнинг бутун куч-ғайрати қўй-қўзилар ва бошқа чорва моллар туёғини, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун курашга сафарбар этилади. Шу мақсада биз урчитиш кампаниясини ҳамда совлиқларни сунъий уруғлантириш мавсумини намунали ва сифатли ўтказиш, чорва қишловини пухта уюштириш ҳамда 1966 йил баҳорида қўзилатишни яхши ўтказиш мажбуриятини оламиз.

Келгуси йили ҳар 100 совлиқдан 115 тадан қўзи, ҳар қўйдан 3,2 килограммдан жун қирқиб оламиз. Қорақўл териларнинг 80 процентини давлатга биринчи сортга топширамиз. Гўштга топшириладиган ҳар бош қўйнинг тирик вазни камида 42 килограмм бўлишига эришамиз. Шу жумладан хўжаликлар бўйича:

Ленин номли, «Ғозғон», «Нурота», «Қизилча» совхозларида ҳар 100 совлиқдан 120 тадан қўзи ва ҳар бир қўйдан 3,2 килограммдан жун қирқиб олинишига эришамиз. 1-«Қўшробот» ҳамда 2-«Қўшробот» совхозларида ҳар 100 совлиқ ҳисобига 115 тадан қўзи олиб, ҳар қўй ҳисобига 3,2 килограммдан жун топширамиз.

Райондаги барча хўжаликларда КПСС XXIII съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа қизғин гус олди. Мусобақа натижалари ҳар ойда якунланиб борилади. Илғорларга мукофотлар берилади, уларнинг тажрибаси ишлаб чиқаришга кенг жорий этилади.

Биз қабул қилган мажбуриятлар юксак бўлса-да, реалдир. Биз ана шу мажбуриятларимизни муваффақиятли бажариш учун бутун кучимизни, тажриба ва билимимизни аямаймиз, янги резервларни ва имкониятларни қидириб топиб, улардан оқилона фойдаланамиз.

БУ МАЖБУРИЯТЛАР РАЙОН ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

Чирчиқдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг тажрибали ишчиси Ф. Парфёнов кўплаб шогирдлар тайёрлади Суратда: устоз Ф. Парфёнов ва шогирд Э. Турақулов ўртоқлар иш устида. М. Нуриддинов фотоси.

Дала гвардиячилари малака оширмоқда

Етти йилликнинг сўнгги йили областимизда беқиёс катта ғалабалар билан якунланяпти. Айниқса «оқ олтин» соҳибкорларимиз мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришдилар. Область бўйича пахта тайёрлаш давлат плани 35 кун ичида шараф билан бажарилди. Бу — комплекс механизациянинг шарофатидир. Колхоз ва совхозларда ташкил этилган уч мингга яқин комплекс механизациялашган звено пахтадан мўл ва арзон ҳосил етиштиришда, йиғим-терим кампаниясини қисқа муддатда туғаллашда, ҳосилнинг катта қисмини машиналар билан териб олишда, меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини кескин оширишда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Эндиликда пахтакорларимиз олдида янада муҳим, янада масъулиятли вазифалар турибди. Келгуси йилда пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаштиришни янада кенгайтириш йўли билан «оқ олтин» тайёрлаш йиллик планини 25—30 иш кунида бажаришдек шарафли вазифа қўйилмоқда. Бунга эришиш учун механизатор кадрларнинг малакасини янаям ошириш талаб этилади. Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети ана шуни назарда тутиб, хўжалик ҳисобида ишлайдиган комплекс механизациялашган звеноларга бошчилик қилаётган ҳамма механизаторларни ўқитишга қарор қилдилар.

Куни-кеча Чирчиқ шаҳри яқинидаги «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйига семинар қатнашчиларининг биринчи группаси келди. Дала гвардиячилари бу ерда ҳам дам олиб ҳордиқ чиқарадилар, ҳам ўз малакаларини оширадилар. Семинар ўн икки кун давом этади. Ана шу кунлар ичида турли районлардан келган механизатор—звено бошлиқлари агротехника фанининг сўнгги ютуқлари билан танишадилар, илғорларнинг тажрибасини ўрганадилар, ютуқларга қандай қилиб эришаётганликлари тўғрисида бир-бирлари билан тажриба алмашадилар.

Кеча семинарнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Механизаторлар Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг старший ўқитувчиси Ўрток Ботировнинг лекциясини тингладилар. У КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қандай енгилликлар туғдирганлиги, маҳсулот етиштиришни қўпайтиришда, таннархни арзонлаштиришда, моддий манфаатдорликни оширишда, комплекс механизациялаштиришнинг кўламини кенгайтиришда ва бошқа шунга ўхшаган бир қанча ишларда қандай роль ўйнаётганлиги тўғрисида батафсил гапириб берди.

Семинарнинг навбатдаги машғулоти янада қизиқарли ўтади. Дала гвардиячилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Мирзавали Муҳаммаджоновнинг суҳбатини тинглайдилар. Ўртоқ Муҳаммаджонов уларга пахтачиликни комплекс механизациялаштиришда ғўзани агрономиянинг янги усуллари билан қандай қилиб парвариш қилиш кераклиги тўғрисида гапириб беради. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтикинг лаборатория мудири Ўртоқ Эгамбердиев эса ўз лекциясини комплекс механизациялашда ишлатиладиган машиналар системасига бағишлайди.

Шунингдек семинарда илғорлар ўз тажрибалари тўғрисида ҳикоя қилиб берадилар. Жумладан, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз бош бухгалтери М. Каримов, шу райондаги «Ленин йўли» колхозининг раиси Х. Пўлатов, 2-«Оққўрғон» совхозининг директори Б. Аракелян ва бошқа ўртоқлар комплекс механизациялашган звеноларда ишни қай тартибда юргизиш ва кишиларнинг моддий манфаатдорлигини қандай қилиб ошириш тўғрисида фикр юритадилар.

Дала гвардиячилари шу ўн икки кун давомида ўз малакаларини ошириш билан бирга мириқиб дам ҳам оладилар. Дам олиш уйининг коллективи бу ерда ҳам дам олиб ҳордиқ чиқарадилар, ҳам ўз малакаларини оширадилар. Семинар ўн икки кун давом этади. Ана шу кунлар ичида турли районлардан келган механизатор—звено бошлиқлари агротехника фанининг сўнгги ютуқлари билан танишадилар, илғорларнинг тажрибасини ўрганадилар, ютуқларга қандай қилиб эришаётганликлари тўғрисида бир-бирлари билан тажриба алмашадилар.

Биринчи группадан сўнг навбатма-навбат бошқа группалар ҳам келишади, Шундай қилиб, областимиздаги барча механизатор-звено бошлиқлари бу ерда дам оладилар ва малакаларини ошириб қайтадилар.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Суратда: семинар қатнашчиларидан бир группаси машғулотдан сўнг ўзаро суҳбатлашишяпти.

А. Абалян фотоси.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

МАКТАБЛАРДА ПРАКТИКА

Ҳар қандай назарий билим ҳаёт билан, кундалик тажриба билан чамбарчас боғлаб олиб борилгандагина яхши натижага эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти физика-математика факультетининг 5-курс студентлари аудиторияда олган назарий билимларини амалий иш билан мустаҳкамлаш мақсадида Тошкентдаги 40, 82, 123-ўрта мактабларда педагогик практика ўтказаётирлар. Практикант студентлардан И. Иброҳимов, И. Иқромов, А. Йўлдошев, Ш. Қаландарова, М. Илҳомова ва бошқалар ўзлари олиб бораётган машғулотларнинг сифатли ва қизиқарли бўлиши учун ҳаракат қилишяпти.

Практикант студентлар дарс бериш билангина чегараланиб қолмай, ўқув-тарбия ишини яхшилаш, ота-оналар билан ишлаш, комсомол ва пионер ташкилотларининг ишларига ёрдам бериш, кечалар ва учрашувлар ўтказишда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Қ. МИРЗАЛИЕВ.

КОМПОЗИТОРЛАР ТОРТИГИ

Пойтахтимиз композиторлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига муносиб совғалар ҳозирлашяпти. Шу муносабат билан Ўзбекистон композиторлар союзида байрам концерт программасига киритилган янги музика асарларининг тематик плани тасдиқланди.

Тошкент давлат консерваториясининг профессори, композитор Б. Зейдман «Ўғри загизғон» номли янги балетини ёзиб тамомлади. Байрам концертида ана шу йирик музика асаридан сюита ижро этилади. Шунингдек, яқин орада янги балет асарининг музикаси муҳокама қилинади.

«Осиё ҳақида симфоник поэма» номли музика асари ҳам байрам концерт программасига киритилди. Бу асар ёш композитор Т. Курбонов томонидан ёзилди. Ёш бастакор ўзининг бу йирик асарида халқ куйларидан самарали фойдаланган.

Шунингдек, музика ихлосмандлари атоқли композитор Г. Мушелнинг симфоник оркестр учун ёзган 10 та пьесасини, ёш композитор В. Миловнинг симфоник сюитасини ҳам тинглайдилар.

А. АБДУАЛИЕВ.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

Тошкент ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудияси кейинги ойларда анчагина асарларни кинотеатр экранларига чиқаришга муваффақ бўлди. Аму-Бухоро канали қурилишига фаол меҳнат қилаётган кишиларнинг меҳнат жасоратларини маҳорат билан очиб беришган.

Кинотомошабинлар Самарқандаги тарихий ёдгорликлар ҳақида қисқа фильм яратган режиссер-оператор А. Арабовлар Аму-Бухоро канали қурилишида

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕПЕРТУАР БОЙИМОҚДА

Эдуард Разинснийнинг дастлабки асарларидан бири «Муҳаббат ҳақида 104 саҳифа» пьесасидир. Ёш автор бу драматик асарда шу кунининг муҳим темаси — ёшлар тарбияси масаласини кўтарган. Унда жамиятга, кишиларга ва ёрга бўлган муносабат ёрқин очиб берилган. Бу спектакль ҳозирги кунда Москва ва Ленинград драма театрлари саҳнасида қўйилаётир.

Яқин кунлар ичида тошкентлик томошабинлар ҳам Э. Разинский асарини М. Горький номли рус драма театри саҳнасида кўрадилар. Ҳозирги кунда драмани саҳналаштириш ишлари тугалланай деб қолди. «Муҳаббат ҳақида 104 саҳифа» спектаклини режиссёр О. Чернова саҳналаштирмоқда. Бош ролларни В. Филатова ва И. Ледогоров ўртоқлар ўйнайдилар.

●

КИОСКАЛАРНИНГ АЖОЙИБ НУСХАСИ

Кўзингиз тушган бўлса, яқиндан бошлаб пойтахтимизнинг Ленин ва Пушкин кўчаларига ўрнатилган ажойиб, жажжи киосклар да газета ва журналлар билан савдо қилинаяпти. Киосканинг гир атрофи ойнаванд.

Киоска лойиҳаси Чехословакияда чизилган. Шу лойиҳа бўйича Москва заводлари уни тайёрлаган. Яқин кунлар ичида бундай киосклар сони яна кўпаяди.

Шунингдек, 3-4 кун ичида яна юзта автомат-киоска ишга туширилади.

СОНЕТЛАР

Қадрини топмоқда энди одамлар,
Бугуннинг мавзуи—одам тақдири.
Ўзига суиқасд этмоқда ғамлар,
Одам тақдирида — олам тақдири.
Суҳбатлар, китоблар, анжуманларда
Одамлар ўйлашар одам ҳақида.
Одамлар сайр этсин деб чаманларда
Олам минбарида шеъру қасида.
Урушни ўтқазиб қора курсига
Тинчлик суд қилмоқда дадил, мардона.
Машъум айбин қўйиб унинг устига
Одамлар мушт тугиб сўзлашар, ана!
Асабий демагил бизни, неварам,
Шунақа туғилган асрим ўзи ҳам.

● ● ●

Шамга ўхшаб кетар менинг ҳам умрим,
Мен ҳам тунлар шамдай милт-милт ёнаман.
Сўзлар туркумига сингиб кўз нурим,
Оқ қоғоз бетига эриб томаман.
Бир жажжи хонани айлаб чароғон
Шам ёнар паришон, умридан ризо.
Мен қоғоз бағрини қилгум қора қон
Одамлар бўлсин деб шеъримдан ризо.

Даҳиқа санайди мажнун парвона,
Куйиб пар қаноти ўтида шамнинг.
Гўдак ўйларимга қоғоз бўб она
Бағрига босади қалбу қаламни.
Етиб қуёш вослига адо бўлар шам,
Мен эрсам қуёш билан бирга ёнаман.

● ● ●

Сен деса, бол тўмди тиллардан бир вақт,
Ўзингни ердамас, билдинг осмонда,
Ишқдай кулиб сенга қараганда бахт
Баридан тутолмай қолдинг армонда.
Сенсиз ўтмас эди, дўстгинам, суҳбат.
Бўлар бола бошдан, дер эди ҳамма.
Кунлар бахш этарди сенга шон-шуҳрат,
Тунлар шуҳратингга этарди ҳамла.
Ўзингдан ўзгани олмай қўйдинг тан,
Улуғлар ҳикмати бўлди афсона.
Оёғинг тегдими ерга дафъатан
Бугун дўстларингни излайсан яна.
Кўзингга чумчуқдай кўринган дўстлар,
Бугун-чи, сорбургут янглиғ туюлар.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ДАМАЧИ БАЛИҚЛИ

Бу йилги олтин куз Калинин районидаги «Дамачи» балиқчилик хўжалигининг меҳнаткашларига катта муваффақиятлар келтирмоқда. Шаҳар меҳнаткашларининг дастурхонига камида 300 тонна балиқ етказиб беришга бел боғлаган хўжалик балиқчилари шу кунларда олти-еттн минг килограмм балиқ тутиб, шаҳарга жўнатмоқдалар.

Ҳар гектар кўлдан камида 15 центнердан балиқ олишга аҳд қилган ўртоқ Мамасидиқ Мадумаров бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари ўз зиммаларидаги мажбуриятни шараф билан бажармоқдалар. Ўртоқ Худойберган Раимов бошлиқ бригада балиқчилари ҳам социалистик мажбуриятни анча ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлдилар.

Суратда: янги тутилган балиқлар сортларга ажратилмоқда.

А. Абалян фотоси.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **«Пахтакор» (Тошкент)—«Динамо» (Минск) командалари ўртасида футбол**, танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар**, 19.45 — **Улмас қўшиқ**.

20.30 — **Эшиттиришлар программаси**.

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Ҳаёт учун**, 21.10 — **Шудгорлаш — юқори ҳосил гарови**, 21.30 — С. Кароматов. **Тоғлар табассуми** (телетеатр).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **В. Суриков** («Ажойиб кишилар ҳаёти» циклидан), 19.35 — **Тошкент янгиликлари**, 19.45 — **Яхши кишилар** (телеочерк), 20.05 — **Композитор Арам Хачатурян**.

Рус тилида: 20.35 — **Қаҳрамон изидан** (ҳужжатли фильм), 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Ўзбек рассомларининг янги асарлари**, 21.30 — **Навбатдаги рейс** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XI да **Концерт**, 13/XI да **Риголетто**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XI да **Юлдузлар жамоли**, 13/XI да **Қотил**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XI да **Тошболта ошиқ**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 12, 13, 14/XI кеч соат 7 яримда **Концертлар**. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров**, солистлардан **М. Мўминова, Р. Мўминова, С. Шукурова** ва бошқалар қатнашади.

КИНО

Бизнинг уй — НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 минутгача).

Улар ўтмайди — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун).

Осиё устида бўрон — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кеч 9-45 минутда).

Узоқ юлдуз нури — «ИСКРА» (3-залда кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 минутда).

Насриддин Бухорода — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

1965 йил 24 ноябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг конференц-залида **Ҳ. Каримжонова** — медицина фанлари номзоди деган илмий даражани олиш учун: «Сил касаллигида баъзи микроэлемент (мис, кобальт) таркибига оид материаллар» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Генерал Петров кўчаси, 51-уй).

30 ноябрда Боку шаҳрида

3% ЛИ

Давлат ички ютуқ заёмининг

108-АСОСИЙ

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БУЛАДИ.

Тиражда заёмнинг ўн тўққиз разрядига 8.835.380 сўмлик 161500 ютуқ ўйналади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олинг!

«Ташзаготплодоовощ» сабзавот конторасининг

ТАРА БАЗАСИГА

ёғоч материаллари складининг мудири

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Собир Раҳимов станцияси, 54-разъезд (18, 30-автобусининг «4-автобаза» остановкаси).

Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 24-уйда турувчи **Валентина Фёдоровна Клейменованинг** Аркадий Григорьевич Хачатуровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар судида кўрилади.

2-Хўжаев переулок, 23-уйда турувчи **Серафима Константиновна Денисованинг** Максим Горький кўчаси, Вагон проезд, 2-тупик, 4-уйда турувчи Эдуард Михайлович Денисовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

МАРД ДРУЖИНАЧИ ЭДИ

Кинозалининг орқа томонида бирдан говур-гувур бошланди.

— Ўзингизни тутиб ўтиринг, ўртоқ, — дерди бир йигит.

— Хўжайинлик қилма. Менга ўргатадигани ҳали онасининг қорнида ётибди! — ўшқирди иккинчиси.

— Бу яхши эмас, ахир.

— Яхшисини кўрсатиб қўяман,— жавоб қилди зўравон ва бояги йигитни ташқарига судради.

Кино залида тартиб сақлаб юрган дружиначи Фаткулисман Байков уларни кузатди. Қараса, оқибати ҳунук бўладиган. Уларнинг кетидан кўчага чиқди. У жанжалнинг боисини биляб, йигитларни ажратиб қўймоқчи эди. Лекин безори дружиначига ҳамла қилакетди. Қўлида пичоқ бор экан. Қўқиндан Фаткулисманнинг биқинига туширди. Дружиначи бу зарбадан йиқилиб қолди. Қочиб кетаётган безори уни қувиб етган йигит—С. Лапинга ҳам пичоқ санчди. Бу орада тўс-тўполонни эшитган студентлар етиб келишди. Улар дарҳол «тез ёрдам» машинасини чақиришди. Милиция ходимлари ҳам келишди. Безори қўлга олинди. Лекин афсуски, дружиначи қайтиб кўзини очмади.

Эндигина йигирма беш баҳорни кўрган Фаткулисман Шайхевич Байков ҳеч қандай безориданч ўчмайдиган, ҳар қандай жиноятчининг оёғига болта урадиган мард дружиначи эди. У Совет Армияси сафида хизмат қилаётганвақтидаёқ жамоат ишларида актив қатнашадиган моҳир ташкилотчи сифатида ҳаммага танилган эди. У взвод командирининг ўринбосари вазифасида ишлади. Ватан олдидаги бурчини ўтаб кёлгач, Тошкентга, қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди.

— Фаткулисман институтимизнинг энг илғор студентларидан эди, — дейди бу олий ўқув юрти касаба союз комитетининг раиси Толиб Тўраев. — У факультет дружиначиларининг бошлиғи эди. Байков ҳар куни ўқишдан сўнг студентлар ётоқхоналари, институт клуби атрофларида навбатчилик қиларди. Шунинг учун ҳам бу жойларда ҳеч қачон тартиббузарлик бўлмаган, ҳамиша осойишталик ҳукмронлик қилган. Кўнгилли дружиначи намунали ишлари учун бир неча марта Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган эди.

Осойишталик посбонлари байрами — милиция кунида мард йигит Ф. Байковнинг хотирасини дўстлари, курсдошлари, дружиначилар эўр ҳурмат билан эсга олдилар.

Дружиначининг қотили устидан эса тергов ишлари олиб борилмоқда. Ўйлаймизки, бегуноҳ бир йигитнинг ҳаётига завол бўлган, иккинчисини оғир ярадор қилган жиноятчи Омонжон Мамажонов қилмишига яраша жазоланади.

С. МУСАЕВ.

БУ КИТОБЛАРНИ ЎҚИНГ

«Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди

Авторлар коллективи. КЎЗ ҚОРАЧИҒИ. Грузин ҳикоялари.

Бу ҳикояларни ўқиган ҳар бир китобхон ўзини беихтиёр гўзал Грузияда сайр қилиб юргандай ҳис қилади. Ҳар бир ҳикоя кишида ўзига хос шавқ-завқ туғдиради. Ҳикоялларда грузин халқининг она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғулари, халқлар дўстлиги, янгича оила проблемасининг қандай ечилганлиги, кексайганда роҳатли турмуш кечириши тасвирланган. 180 бет, тиражи 10.000, баҳоси 45 тийин.

Анри **Аллег.** ТУТҚУНДАГИ ЖАНГЧИЛАР. Повесть. Бу китоб Жазоир ватанпарварларининг француз золимлари қўлида чеккан азоб-уқубатлари ва уларнинг мардона курашлари ҳақида ҳикоя қилади. Русчадан **М. Муродов** ва **А. Мирахмедов** таржимаси. 208 бет. Тиражи 150.000, баҳоси 71 тийин.

ФУТБОЛ

НИЯТ—«БЕШЛИК»КА КИРИШ

Ўтган куни «Политотдел» колхоз футболчилари Гомелнинг «Спартак» командаси устидан 2:0 ҳисобида ғолиб чиқиб муҳим икки очкони қўлга киритишди. Бу ғалаба қишлоқ футболчиларига осонликча ёр бўлмади. Иккинчи куни шиддат билан ёққан ёмғир майдонни анча ишдан чиқариб қўйган эди. Футболчилар куч синашгани чиқишганда ҳам ёмғир ёғиб турарди. Аввалига ҳар бир хато жуда қимматга тушишини тушунган ўйинчилар жуда эҳтиёт бўлиб ўйнашди. Кейинчалик ташаббусни қўлларига олган «Политотдел» футболчилари жавобсиз иккита тўп киритишга муваффақ бўлишди. Ҳисоб 2:0 «Политотдел» фойдасига!

«Политотдел» мавсумнинг сўнгги учта ўйинини ўз майдонида «Труд», «Металлург» ва Винницанинг «Локомотив» командалари билан ўтказади. Финал матчларни кўтаринки руҳда ўтказаётган колхоз футболчилари мавсумни яхши натижалар билан якунлашлари мумкин. «Бешлик»ка кириш учун тўла имконият бор.

Шу турдаги бошқа учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Олга»—«Труд» — 2:1, «Энергетик»—СКА (Новосибирск) — 1:1, «Строитель»—«Волга» (Калинин)— 3:1, «Трактор»—«Динамо» (Таллин)— 2:2, «Локомотив» (Тбилиси)—«Динамо» (Ленинград)— 0:1, «Локомотив» (Винница)—«Кубань» —0:2, «Металлург»— Ростсельмаш»—4:1.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў.	Т.	О.
«Олга»	43	44—39	46
«Динамо» Л.	43	66—53	45
«Труд»	43	37—30	44
«Спартак»	44	—34—40	44
СКА Н.	43	48—50	44
«Локомотив» В.	43	40—36	43
«Политотдел»	43	33—35	43
«Трактор»	43	38—43	—42
«Кубань»	44	35—41	40
«Металлург»	43	44—53	36
«Локомотив» Тб.	43	51—59	35
«Энергетик»	43	37—50	34
«Строитель»	43	46—62	—34
«Волга» К.	43	30—51	33
«Динамо» Т.	43	31—61	26
«Ростсельмаш»	43	29—72	23

ФАЛОКАТНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

ҲОДИСА

Оҳангарондан Тошкентга йўлга чиққан поезд бир неча юз кишини олиб келмоқда. Машинист А. Сергеев составни белгиланган тезликда ҳайдаб борарди. 51-километрда у қўлида қизил белги ушлаб боши узра айлантираётган кишини кўриб қолди. Воқеага дарҳол тушуниб етган машинист зарб билан тормозни босди. Катта қийинчилик билан поездни тўхатишга муваффақ бўлди.

... Темир йўл изи ёрилиб ажралиб қолган эди. Буни кўрган темирйўл ишчиси ўртоқ Н. Бердикулов фалокатнинг олдини олиш учун поезд келаётган томонга югурди. Н. Бердиқуловнинг ҳушёрлиги туфайли фалокатнинг олди олинди. У Тошкент темир йўл бўлинмасининг бошлиғи буйруғи билан ташаккурномага ва пул мукофотига сазовор бўлди.

А. КОМИССАРОВ.

ПАРТИЗАН ОТА

У дераза ёнида ўтирарди. Радиодан қўшиқ эшитиляпти. Куй кундагидан бошқачароқ, кўнгилнинг аллақаеларини жимирлатиб, хотирангни узоқ-узоқларга етаклаб кетади. Унинг бироз хиралашиб қолган кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди. Кўз ўнгида байроқ кўтарган, чеҳраси қулиб, қалби тўлқинланиб кетаётган саф-саф фарзандлари, авлоди гавдаланди. Назарида уларнинг ҳар бири «Мана, Октябрь қуёши яшнатаётган диёр фарзандимиз, чексиз бахтиёрмиз, бизга бу бахтни Ленин партияси берди. Шу муқаддас партия йўлидан борган революция ветеранлари, партизан отахонларимиз, меҳрибон онахонларимиз сизлар! Сизлар келтирдиларинг бу шодиёна кунни», деяётгандай туйиларди. Шунда унинг нуроний чеҳраси мамнун жилмаяр, чуқур тин олиб яна қулоқ берарди. Микрофондан тинмай эшитилаётган «Яшасин Улуғ Октябрь революциясининг 48 йиллиги» каби шиорлар, урра садолари, қудратли тантана инқилоб, галаба, бари-барини эсга солади. Узоқларга магрур тикилиб ўтирган партизан отамиз икки-кам эллик йилдан бери Октябрь тантанасини ана шундай тўлқинланиб қарши олади. У ҳар сафар босиб ўтган кураш йилларини кезиб чиқади. Бугун ҳам у шу ўтиришда эсдан мутлақо кўтарилмайдиган энг оғир, қонли кураш йилларини эслаб кетди.

1917 йил. У пўлат эритувчи бўлиб ишлайдиган Тошкентдаги темирйўл устахоналари (ҳозирги тепловоз вагон-ремонт заводи). Шу пайтда партизан отамиз — Аҳмад ота 23 ёшда.

Инқилоб. Унинг революция учун кураши ҳам шу заводда, қўлга қурол олиб темирйўл устахоналари партизан отрядига аъзо бўлиб кирганидан бошланган. У кунни унутиб бўладими?

28 октябрь куни темирйўл устахоналарининг гудоги одатдагидан бўлакча шиддат ҳайқириқ билан чалинди. Бу — шаҳар революцион оммасининг қуролли қўзғолони бошланганини хабар қилувчи бонг эди. Шу куни революцион кучлар билан контрреволюционерлар ўртасида қаттиқ кураш бошланди. Ишчи ва солдатлар шу бир куннинг ўзида қаттиқ жанг қилиб, вокзал, товар станцияси, бир қатор кўчаларни ишғол қилишди.

29 октябрь эрталаб эса оқгвардия офицерлари ва казаклар революционерлар қалъаси — темирйўл устахоналарига ҳужум қилиб қолишади. Бу жанг ишчи ва солдатлар учун жуда оғир бўлди. Душманни ўраб олиш, йўлини тўсиб қамал этиш зарур эди. Катта кўчанинг икки тарафидаги баланд дарахтлар темирйўл устахоналари ишчилари кучи билан қирқилиб, кўча ўртасига ётқизилаверди. На отлиқ, на пиёда ўтиб бўларди бу кўчадан. Душманга газаби ортган, ғалабага тўла ишонган революционерлар кечга яқин салоҳ кўпригини ишғол этиб, ғалаба қозонишди. Ўша қаттиқ жанг, мардонавор курашда Аҳмад ота ҳам ўз сафдошлари — Тошкент темирйўл устахоналари ишчилари орасида эди. Бу жасорат Аҳмад отани янги курашларга етаклади...

Фарғона, гўзал Фарғона. У бу хушманзара шаҳар, қишлоқларни ўйлаганда ўттиз икки тишини қолдириб келган Ватан ишлоғи, тоғ чўққиларини ўнинг кўз ўнгида гавдаланаверади.

Бу қишлоқда босмачи ва чет эл унсурлари ин қуриб олишган, ёш Совет ҳокимиятига ҳар йўл билан зарар келтиришга тиришиб ётган эди. Аҳмад ота бошлиқ 64 солдатдан иборат отряд уларнинг инини топиб, тор-мор келтиришга йўл олишганди. Тоғ чўққиси, борди-ю юқоридан битта тош думалагудай бўлса, бир-бирига урилиб қатор тошларни суриб ташлаганди, шунинг учун қандай бўлмасин эҳтиётлик билан юқорига чиқиб олиш, душманни қамал қилиш зарур. Аммо, тепаликдан пойлаб турган душман фалокат тошини юмалатади...

... Душманнинг жуда катта отряди уларни қуршаб олишганди. Кейин с ў р о қ, жазолаш, (ўшанда милтиқ қўндоқлари зарби билан тўкилиб кетганди унинг тишлари). Солдатларнинг қўллари боғланди. Бировнинг оғзида, бошқасининг юз-кўзида қон. Атрофга қутирган босмачи йигитлар соқчи қилиб қўйилди. Уларнинг маст-аласт:

Тўртинчи кўр кунингни,
Сен сотибсан динингни,
Итлар есин ғўштингни,

деб алжираб айтаётган қўшиқлари солдатларнинг ғазабини келтирар, душманга бўлган ғазабини яна ҳам ўртарди.

Муҳиддин подшо номини олган қўрбоши тўдаси эди улар. Унинг таъбирича «худосиз»ларга садқаи ўқ, осиб ўлдириш керак буларни деб буйруқ берди. Аммо қора ният амалга ошмади. Чошгохда Қизил Армия кўмакка келиб, душман тўдасини қирди. Асирларни озод қилди. Орадан уч кун ўтгач, у кўзини очса касалхонада ётибди. Товонлари зирқирайди. Ғазандалар уни ободан қийнаб товонларига темир қиздириб босишганди...

Отанинг хаёл дарёси шу ерга етганда унинг рафиқаси катта лаганда ош кўтариб кириб қолди. Отанинг ҳолатини кўрди-ю, дарров пайқади.

— Ҳа дадаси, яна эски яранг...

Ота Саври опага меҳр билан қаради:

— Бугун эсламай бўлмайди, онаси. Бугун шундай қутлуғ кунки, сен ҳам эслайсан, ҳамма эслайди. Ўша қонли курашни эсламай бўладими.

Оила аъзолари, отанинг ўғиллари, келини байрам дастурхони атрофига тўпланишди. Шунда ота негадир маъноли кулиб:

— Мана, оналарингиз ошни пишириб келди, — деди.

Мулойим қараб турган Саври опа ҳам:

— Сиз ҳам ўз вақтида катта ошни пишириб қўйгансиз,— деди.

Боладар ялт этиб онага қарашди. Шунда ота умр йўлдоши гапининг чуқур мазмунини англаб миннатдор жилмайиб қўйди. Инқилобдан кейинги кураш йиллари гавдаланарди унинг кўз ўнгида. Ер ислоҳоти, колхоз тузуми йиллари, сув учун кураш, э-ҳе!.. Шунча оғир иш битган, дарҳақиқат катта ош пиширилганди.

«Ҳа, мен партиянинг солдати эдим, партиям қайси жанговар вазифага лойиқ топса шуни жон-дилим билан бажардим». Отанинг кекса қалбида бу сўзлар абадий муҳрланиб қолган. У шу курашларга ўз ҳиссасини қўшганини эсласа, ўзини яна ҳам бардам сезади.

Аҳмад ота Салимов ҳозир шахсий пенсионер. У Оржоникидзе посёлкасида яшайди. «Аҳмад ота» деб суриштирсангиз ҳамқишлоқлари «партизан ота денг» дейишади оғиз тўлдириб.

Байрам арафасида шу мўътабар ота ҳузурида бўлдик. Ота тўлқиниланиб гапирди. Унинг ҳикояси қаттиқ таъсир қолдирди. Саври опа унутилмас кунлардан шаҳодат берувчи қимматли ҳужжатларни келтириб қўйди. Бир бошдан ўқиб чиқамиз. Мана: отанинг 1919 йил ВКП(б) аъзолигига кирган йилидаги ҳужжатлари, фахрий ёрлиқлар, гувоҳномалар... ҳар бирини ўқиган сари меҳринг ортиб боради. Бир «тақдирнома»да бундай дейилган. «Фарғона округида 1927 йилда ўтказилган ВКП(б) сафидан ётунсурларни ҳайдаш, аъзоларни янгидан ҳисобга олишда Аҳмад Салимов қаҳрамонларча иш кўрсатди». Яна бирида босмачилар билан курашган қатор қишлоқлар номи келтирилган. Ўша қоғозни ўқиб турганимда Саври опа кулиб қўйида, бир воқеани айтиб берди.

— Водил қишлоғида эдик. Ер ислоҳоти пайти. Бир кун тунда уйимиз атрофи гупирлаб қолди. Қарасам эшикдан бешолти киши бостириб кириб келяпти. Қани у худосиз партизан, дейишади дўқ урриб. Душманнинг важоҳати ёмон. Лекин, шунда амакингиз менга «қўрқма, уйга кир», дедилар-у, дарров бешотарни қўлга олдилар. Ҳайтовур, ура қочишди...

Қўлимда отанинг «Меҳнат жадвали». Графаларга кўз ташлайман.

1922 йил. Асака район партия комитетининг масъул секретари.

1923 йил. Туркистон ҳарбий округи 2-отлиқ қисмининг снёсий хизматчиси.

1924 йил. Фарғона КП(б) обкомининг аъзоси.

1925 йил. Марғилон уезд ижроия комитетининг раиси.

1927 йил. Фарғона округи сув, ер қурилиши бўлимининг раиси.

Бундай ёзувлар қатор-қатор. Бири-биридан масъулиятли вазифаларнинг ҳаммасини шараф билан бажаргани учун ҳам ота ўша давр лавҳаларини фахр билан ҳикоя қилиб берди.

Ф. УСМОНОВА.

ОБУНА ҚИЗГИН ЎТМОҚДА

Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз меҳнаткашлари район, область республика ва марказий газеталарга ҳамда илмий-оммабоп, бадиий снёсий ва сатирик журналларга зўр қизиқиш билан обуна бўлишмоқда. Ферма мудири М. Раҳимжонов билан колхоз шофери К. Темирхўжаевлар 10 дан ошиқ газета ва журналга обуна бўлишди. Сут соғувчи Ф. Валишева эса «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Коммунизм тонги» газеталарига ва «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналига ёзилди.

Колхоздаги 360 хонадоннинг аксарияти шу кунгача деярли обуна бўлди.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

1966 йил учун газета ва журналларга обуна қабул қилинмоқда

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ

Газетага обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида, почтальонлар, фабрика, заводлар, қурилишлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, шунингдек, колхоз ва совхозлардаги жамоатчи вакиллар томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ: 12 ойга — 5 сўм 28 тийин, 6 ойга — 2 сўм 64 тийин, 3 ойга — 1 сўм 32 тийин.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Правда Востока кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936, Партия турмуши — 25811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01327. Индекс 64969. Нашр. № 1888.